


# **Сенатор Мўйноқдаги «Маҳаллабай» тизими ва камбағалликни қисқарттириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди**

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б.Алиханов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Экология ва Оролбўйи ҳудудларини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринbosари Ж.Казбековлар Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 26-январь куни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказган эди. Сенатор дастлаб ушбу йиғилишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиш мақсадида Мўйноқ тумани ҳокимининг ўринbosари - Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлим бошлиғи А.Сахиев билан учрашди.

Учрашувда таъкидланганидек, янги «маҳаллабай» тизимида ишлаш учун маҳалла ва овлу фуқоралар йиғинида фуқораларни қабул қилиш ва мурожатларини тинглаш учун қулай шароитлар бўлиши зарур. Шунингдек, уларни тинглаши ва мурожатларини ҳал этишлари учун маҳалла раиси ва ўринbosарларининг ҳукукий билими етарли бўлса, у ҳарқандай ҳолатда адолатли ечим қабул қила олади. Давлатимиз раҳбари ҳам ушбу йўналишда Давлат бошқаруви академиясига маҳалла маҳалла ва мазкур тизимда иштирок этадиган барча ходимлар учун ўқув курсларини ташкил қилиш, бунинг учун маҳсус дастур ва қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди.

Image not found or type unknown



Бугунги кунда Мўйноқ туманида 11 овул ва маҳалла фуқоралар йиғинлари мавжуд бўлиб, ушбу ҳудуд аҳолисини бўлиб, ушбу ҳудуддаги «темир дафтар», «хотин-қизлар дафтари» ва «ёшлар давтари» билан ишлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Ҳусусан «2021-йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» давлат дастури доирасида ёшларнинг бандлигини таъминланмоқда. Ишсиз хотин-қизлар маҳсус курсларда қайта таёrlаниб, касб-хунарга ўқитилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б.Алиханов ва Мўйноқ тумани ҳокимининг ўринbosари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлим бошлиғи А.Сахиев учрашувда «Маҳаллабай» тизими ва камбағалликни қисқарттириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Учрашувдан сўнг, Сенатор ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Экология ва Оролбўйи ҳудудларини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринbosари Ж.Казбековлар Орол денгизи халокати оқибатида юзага келган экологик фожеалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни, денгизнинг қуриган тубида ташкил этилган юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар, Оролбўйида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида туман марказидан 100 килметрча узоқлашиб кетган Орол денгизининг қуриган тубига жўнаб кетди.

Мўйноқ тумани ҳокимлиги Мабуот котиби